

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№ _____
2009 йил «__» _____

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
2009 йил «__» _____ даги
«__» -сонли буйруғи билан
тасдиқланган**

**АСОСИЙ ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ
(АРАБ ТИЛИ)
фанининг**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200000	Гуманитар фанлар ва санъат
Таълим соҳаси:	220000	Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5220100	Филология (шарқ тиллари бўйича)
	5220700	Шарқ мумтоз филологияси
	5220200	Тарих (Хорижий мамлакатлар тарихи, Марказий Осиё халқлари тарихи)
	5220300	Фалсафа

Тошкент – 2009 йил

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-услубий
бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи
Кенгашнинг 2009 йил «__» _____ даги «__» -сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат шарқшунослик институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Қодиров Т.Ш

—“Араб филологияси” кафедраси доценти,
ф.ф.н.

**Д.И.Алиев, О.Мусаев,
Д.Қ.Маматохунова,
Н.Х.Усмонова**

—“Араб филологияси” кафедраси катта
ўқитувчилари

Такризчилар

С.А.Рустамий

—Тошкент давлат шарқшунослик инситути
“Араб филологияси” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Р.Матибоева

—Тошкент ислом университети “Шарқ тиллари”
кафедраси катта ўқитувчиси

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-услубий кенгашида
тавсия қилинган (2009йил _____ даги «__» -сонли баённома)

Кириш

Ушбу дастур жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган бакалавр даражасидаги арабшунос-филологларни тайёрлашда фойдаланиш учун мўлжалланган.

ТошДШИда араб тилини ўқитиш ўз мазмуни структураси ва ўзига хос вазифаларига эга бўлган тугалланган мустақил курс бўлиб ҳисобланади. Мазкур дастур араб тилидан турли савиядаги билимга эга бўлган ёки уни бошидан ўрганаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, мутахассисларни тайёрлашда ундан дифференциал усулда фойдаланиш имконини беради.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан **мақсад**-талабаларга араб тилини ўргатиш, уларда ёзма ва оғзаки нутқ малакаларини шакллантиришдир.

Фаннинг **вазифаси** талабаларга араб тилини ўрганишга қўйилган талаблар асосида арабча матнни ўқиб, мазмунини баён қилиб бера олишларини ёки берилган ўзбекча матнни араб тилига ўгира олишларини ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Араб тили” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **бакалавр**:

- *филолог-тилишунос сифатида*: мамлакатда мавжуд турли фойдаланиш кўламига эга бўлган тилларга структур ва функционал тавсиф бера олиши;

- *филолог-адабиётшунос сифатида*: ҳозирги адабий жараёнларни тўғри таҳлил қила билиши ва турли жанрга мансуб бадиий асарларни таҳрир қила билиши;

- *таржимон сифатида*: чет тилидан она тилига, она тилидан чет тилига турли матн ва нутқларни оғзаки ва ёзма шаклда, тўғри ва сифатли таржима қила олиши;

- *илмий соҳада*: ўрганилаётган тил ва умумий тилшунослик соҳасида тил тизими, унинг қўлланилиши ва таркиби бўйича илмий изланишлар олиб бориши;

- *сервис ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш соҳасида*: шахс психологиясининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли муассасаларда туристик раҳнамолик (гид), ҳаво кемаларида сервис ходими, турли фирма ва меҳмонхоналарда менежер хизматини кўрсата олиш кўникмаларига эга бўлиши;

- *таълим соҳасида*: узлуксиз таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумласосий шарқ тилириш ва таҳлил этиш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтказиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва тадбиқ этишни **билиши керак**.

- дунёқараш тавсифидаги билимлар тизимини эгаллаган бўлиши;

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосини, араб давлатлари сиёсатининг долзарб масалаларини билиши ва унинг ижтимоий муаммолари ва жараёнларини мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- Араб тили ва адабиётига оид ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва унумли фойдаланиш методларини эгаллаши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил фикрлар ва керакли қарорлар қабул қила олиши;

- бакалавриятнинг мос йўналиши бўйича рақобатбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштиришда араб тилида гапира олиши, бу борада ўз билими ва салоҳиятини такомиллаштириб бориши ва ўз меҳнати илмий асосда ташкил қила билиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**
- асосий илмий тадқиқот муаммолари ва махсус тайёргарлик йўналишидаги ривожланиш истиқболлари, фанларнинг ўзаро алоқасини тушуниши;
- ўрганилаётган шарқ тилининг тараққиёт босқичлари;
- ўрганилаётган тилдан ўқитилаётган олиб борилаётган тилга таржима қилиш амалиёти спецификаси ва стилистик хусусиятлари, меъёрий грамматика асослари;
- ўрганилаётган тилнинг ривож ва тил доирасидаги экстралингвистик шаклланишнинг асосий факторлари ҳамда тарихий манбалари, унинг диалектик хилма-хиллиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ўрганилаётган шарқ тилининг ёзма, адабий ва оғзаки шакллари;
- тилнинг илмий тавсифи, ёзув, график хусусиятлари, орфографияси, пунктуацияси, лексик-грамматик хусусиятлари, сўз ясалиши ва унинг тузилиши, бошқа тиллардан сўз ўзлаштиришда шарқ тилларнинг қонуниятлари;
- содда ва қўшма гаплар, сўз бирикмалари, лексика ва ёзма нутқ, диалектик лексиканинг асосий хусусиятларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- асосий ўрганилаётган тилдаги адабий матнларни ўқитилаётган тилга таржима қила олиш;
- ўрганилаётган тилда чет эллик мутахассислар билан муайян соҳада ва умумий масалаларда тулақонли жонли мулоқот олиб бориш;
- ҳар турли ва мураккаб матнларни ўқитилаётган тилдан асосий ўрганилаётган тилнинг ҳозирги адабий шаклига ёзма таржима қила олиш;
- асосий ўрганилаётган чет тилида мулоқот қилиш, нутқ сўзлаш;
- асосий ўрганилаётган чет тилидан ўқитилаётган тилга суҳбат қилиш, нутқ сўзлаш ва маърузаларни оғзаки изчил ва синхрон таржима қила олиш;
- ўрганилаётган чет тили ва ўқитилаётган тилдаги маълумотларни қўллаб аннотация, реферат ёзиш, маълумотлар тўплаш **малакаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Араб тили фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб тўрт йил мобайнида ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида кўзда тутилган шарқ тилларига берилган умумқасбий (тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти, ўрганилаётган мамлакат тарихи, тилшуносликка кириш, адабиётшуносликка кириш), махсус фанлар (махсус филологияга кириш, шарқ тилларини ўқитиш методикаси, таржима назарияси ва амалиёти, асосий шарқ тили

лексикологияси, асосий шарқ тили назарий грамматикаси) фанларидан етарли билим ва кўникмаларига эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг гуманитар фанлар тизимидаги ўрни

Мазкур фандан олинган билимлар ўрта умумтаълим мактаби, академик литсей, касб-хунар коллежлари ва бакалаврларга араб тили ва бошқа ўқув фанларини ўқитиш жараёнида қўл келди. Шунинг учун ҳам бу фаннинг шарқ тиллари билан боғлиқ илмий тадқиқот институтларида илмий фаолият олиб боришдаги аҳамияти каттадир.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг араб тили фанини ўзлаштиришда шарқ тилларини учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усуллари билан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда шарқ тилларидаги дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар электрон материаллар, компьютер воситасида матнларни ўзлаштиришда шарқ тиллари учун мўлжалланган усуллардан фойдаланилади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Араб тили ҳақида умумий маълумот. Араб тилининг генеалогик таснифдаги ўрни. Араб тилининг типологик таснифдаги ўрни. Араб тилининг илмий-тарихий аҳамияти. Ҳозирги замон араб адабий тили ва лаҳжалари.

Фонетика ҳақида умумий маълумотлар

Араб тилининг товушлар тизими. Ўзбек ва рус тиллари товушлари билан қиёслаган ҳолда унлилар таснифи. Ундошларнинг ҳосил бўлиш ўрни ва талаффуз усулига кўра таснифи. Товушларнинг ўзаро таъсири. Тўлиқ ва жузъий ассимиляция. Ундош товушларнинг таъсирида унли товушлар талаффузини ўзгариши. Бўғин, унинг турлари ва урғу

Ёзув (графика)

Араб ёзувининг консонантивлик хусусияти. Унлиларнинг ёзувда ифодаланиши «Ҳамза» нинг ёзилиш қоидалари, «Абжад» тартиби.

Морфология

Араб тилида ўзак ва негиз. Вазнлар. Араб тилида сўз туркумлари Исм ва унинг турлари:

От. Атоқли ва турдош, туб ва ясама отлар.

Олмош. Кишилиқ олмошлари. Бирикма олмошлари. Кўрсатиш олмошлари. Нисбий олмошлар ва сўроқ олмошлар.

Исмларга хос грамматик категориялар. Аниқлик ва ноаниқлик категорияси грамматик жинс категорияси. Келишиқ категорияси. Сон категорияси.

“Лайса” инкор феъли.

Предлоглар (олд кўмакчилар). Туб ва ясама предлоглар. Қўшиб ёзиладиган ва ажратиб ёзиладиган предлоглар.

Сифат. Туб ва ясама сифатлар. Нисбий сифат. Сифатнинг қиёсий ва орттирма даражалари.

Сон. Санок сонлар. Тартиб сонлар. Каср сонлар.

Феъл. Уч ундошли ва тўрт ундошли феъллар. Замон категорияси. Феълларда жинс категорияси. Феълларда шахс категорияси. Феълларда сон категорияси. Феълларда даража (аниқ ва мажхул) категорияси.

Кўмакчи сўзлар:

Боғловчилар. Тенг, зидловчи, эргаштирувчи боғловчилар.

Юкламалар. Сўроқ, инкор, таъкид, шарт, истисно, истак майли юкламалари. Келаси замон ва ундов юкламалари. Эга таъсир қилувчи юкламалар.

Феълларда майл категорияси. Дарак, буйруқ, шарт, истак ва кучайторма майиллар.

Синтаксис

Содда гап синтаксиси. Эга ва кесимнинг мослашувининг ўзига хос хусусиятлари. Предикатив бирикмалар. Содда гап турлари: йиғиқ ва ёйиқ гаплар.

Гапнинг бош бўлаклари: эга ва кесим. Гапнинг уюшиқ бўлаклари. От-кесимли гап. Феъл-кесимли гап.

Гапнинг мазмунига кўра турлари: дарак гап, сўроқ, ундов гаплар. Нопредикатив бирикмалар.

Грамматик бирикиш усуллари. Мавзу юзасидан гаплар тузиш ва грамматик таҳлил қилиш. Битишув. Мослашув. Бошқарув.

Изофа ва унинг турлари. Изофанинг ясалишидаги ўзига хос хусусиятлар.

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари. Аниқловчи. Мослашган аниқловчи. Ўзбек тилида мослашган аниқловчи бирикма ва унинг гап таркибида қўлланилиши. Мослашмаган аниқловчи.

Изоҳловчи. Изоҳловчи ва унинг турлари. Гаплар тузиш ва уларнинг грамматик таҳлили.

Тўлдирувчи. Воситасиз тўлдирувчи. Воситали тўлдирувчи. Мутлақ тўлдирувчи. Мутлақ тўлдирувчи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Кичрайторма исмлар.

Феълдан ясалувчи исмлар: масдар, сифатдошлар, асбоб номи, ўрин-пайт номи, касб-хунар номи.

Феъл боблари ва уларнинг таркибига турлари. Иккиланган феъллар. Ҳамзали феъллар. Иллатли феъллар: «тўғрига ўхшаш», «бўш» ва «ноқис» феъллар. Икки ва уч қарра иллатли феъллар. Кўмакчи феъллар. Мураккаб замон бирикмаларини ифодалашда ишлатиладиган феъллар. «Бошлаш» ва «давом этишни» англатувчи феъллар. «Тахмин қилиш» ва «гумонни» англатувчи (أوشك ва шу каби) феъллар. Яқинликни англатувчи (كاد каби) феъллар. Тусланмайдиган (بنس و نعم) феъллар.

Ҳол: ўрин-пайт Ҳоли. Сабаб ва мақсад ҳоли. Равиш ҳоли. Миқдор ҳоли. Ҳолат ҳоли. **Тамйиз.** Шу мавзу иштирокида гаплар тузиш.

Қўшма гап синтаксиси. Боғланган қўшма гап. Ўзбек тили грамматикасида эргашган қўшма гаплар. Эргаш гапли қўшма гап. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап. Ҳол эргаш гапли қўшма гап. Сабаб-мақсад эргаш гапли қўшма гап. Ўрин-пайт эргаш гапли қўшма гап. Равиш эргаш гапли қўшма гап. Шарт эргаш гапли қўшма гап. Ҳолат эргаш гапли қўшма гап. Эга эргаш гапли қўшма гап. Ўзбек тилидаги эргашган гапли қўшма гаплар мавзуси билан солиштириш. Кесим эргаш гапли қўшма гап. **Исмий гап** ва ундаги бош бўлақларнинг таркиби ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари. **Феълларнинг тузилиши ва бажарадиган вазифасига кўра таснифи.** Тугалланган ва тугалланмаган феъл турларининг маънолари. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар ва уларнинг олд кўмакчилари ва уларсиз бошқаруви. Феълий жумлалар ва уларнинг араб ва ажам наҳвчилари нуқтаи назаридан талқини. Феълий жумлаларда бош бўлақларнинг мослашуви ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Масдарлар, уларнинг турлари ва гапдаги вазифаси. Эга ёки тўлдирувчи вазифасида келган масдарларнинг синтактик шакли.

Сифат даражалари ва уларнинг гапдаги вазифалари. Аниқ ва мажхул даража сифатдошларининг феъл ўрнида ишлатилиши. Олд кўмакчилар билан келган бирикма олмошлари ва уларнинг гапдаги вазифаси. Исмий жумлаларда татбиқ этилувчи юкламалар. Тамйиз араб наҳвчилари талқинида. Тушум келишигининг ишлатилиши. Қаратқич келишигининг бирикмалар яшашдаги синтактик вазифаси. Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар.

«Кам» олмоши ва унинг қўлланишидаги хусусиятлари. Бирикма олмошларининг кўмакчилар билан келиши. Феъллар билан келган бирикма олмошлари. Таажжубнинг ифодаланиши. Кесими олд кўмакчи билан ифодаланган содда исмий гап.

Сон: Санок сонлар ва саналмиш ўртасидаги синтактик муносабат. Тартиб сонлар ва саналмиш ўртасидаги синтактик муносабат.

Модал феъллар ва уларнинг истефода қилинишидаги ўзига хос хусусиятлар.

Феъл майлларининг қўшма гаплар таркибида қўлланилиши. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап ва унинг таркибий қисми. Тўлдирувчи эргаш гап ва унинг оммавий ахборот воситаларида қўлланилиши. Сабаб эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг бадиий асарларда ишлатилиши. Шарт эргаш гапли қўшма гап ва уларнинг турлари ҳамда оғзаки ва ёзма нутқдаги ўрни. Сўз бирикмалари ва феълий гапларда гап бўлаклари ўртасидаги мослашув ҳодисасининг акс эттирилиши. Содда гапнинг махсус тури.

Мураккаб замон формалари ва уларнинг бадиий асарлар ва оммавий ахборот воситаларида ишлатилиши.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалай машғулотларда талабалар турли хил мавзуларда суҳбатлашиш асосларини ўрганадилар.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ҳарфлар	الحروف	12. Одамлар орасида	مع الناس
2. Табиб ҳузурида	عند الطبيب	13. Ҳарфларнинг талаффузи	نطق الحروف
3. Оилам	أسرتي	14. Ҳаракатлар	الحركات
4. Машқлар	تدريبات على ما سبق	15. Ташдид ва танвин	الشدّة و التّنوين
5. Машқлар	تدريبات على ما سبق	16. Йўлда	في الطريق
6. Танишув	التعارف	17. Почтада	في مكتب البريد
7. Аэропортда	في المطار	18. Телеграф	في المكتب البرق و الهاتف
8. Йўл чиптаси	بطاقة الوصول	19. Бозорда	في السوق
9. Меҳмонхонада	في الفندق	20. Полиция маҳкамасида	في قسم الشرطة
10. Ошхонада	في المطعم	21. Машқлар	تدريبات على ما سبق
11. Банкда	في البنك		

Ҳар бир мавзу бўйича амалий машғулотлар ўтказилади. Машғулотлар ўтилган мавзу бўйича савол-жавоб, мавзуга оид матнларни ўқиш, ёзиш, таржима, сўзлаб бериш ва грамматик таҳлил шаклида олиб борилади. Мунтазам равишда ёзма назорат ишлари ўтказилади.

1. Ҳуш келибсиз (1-қисм).....	اهلا و سهلا
2. Араб тилини ўрганиш	دراسة اللغة العربية
3. Устоз Маҳмудни кўришга бориш	زيارة أستاذ محمود
4. Йўлда	في الطريق إلى بيت محمود
5. Телеграмма	برقية
6. Искандарияга саёҳат	رحلة إلى الإسكندرية
7. Асвонга саёҳат	رحلة إلى أسوان
8. Элчихонада	في السفارة
9. Табиб ҳузурида	عند الطبيب
10. Мен касалман	أنا مريض
11. Сафар куни	يوم السفر
12. Ресторанда	في المطعم
13. Жиҳоз сотиб олиш	شراء الأجهزة
14. Клуб боғида	في حديقة النادي
15. Араб тили ўқитиш марказида	في مركز اللغة العربية

- | | |
|--|-----------------------------|
| 16. Қаҳвахонада | في الكافيتريا |
| 17. Қоҳирада | في القاهرة |
| 18. Таксида | في التاكسي |
| 19. Меҳмонхонада яшаш | إقامة في الفندق |
| 20. Бозорда | في السوق |
| 21. Ресторанда | في المطعم |
| 22. Бўш вақтдаги севмли машғулоти | الهواية في وقت الفراغ |
| 23. Йўл чиптаси | بطاقة الوصول |
| 24. Шахсий хатлар | الرسائل الشخصية |
| 25. Расмий хат | الرسائل الرسمية |
| 26. Тўй маросими | حفل الزواج |
| 27. Саёҳат | السفر |
| 28. Араб мамлакатларининг географик ўрни | موقع العالم العربي |
| 29. Араб мамлакатлари нинг аҳолиси | السكان في الوطن العرب |
| 30. Араб давлатлари лигаси | جامعة الدول العربية |
| 31. Шеърый қасида | القصيدة الشعرية |
| 32. Ҳикоя ва унинг турлари | مفهوم القصة و أشكالها |
| 33. Саноат | الصناعة |
| 34. Қишлоқ хўжалиги | الزراعة |
| 35. Қисқа ҳикоя | قصة قصيرة للتطبيق |
| 36. Арабча газетани ўқиш усуллари | كيف تقرأ جريدة عربية |
| 37. Сиёсий матнни ўқиш | قراءة مقال سياسي من جريدة |
| 38. Ижтимоий матнни ўқиш | قراءة مقال اجتماعي من جريدة |
| 39. Спортга оид матнни ўқиш | قراءة مقال رياضي من جريدة |
| 40. Фанга оид матнни ўқиш | قراءة مقال فني من جريدة |
41. Марказий Осиёдан чиққан Ўрта аср олимларининг ҳаёти ва ижоди. Ибн Сино, Фаробий ва ал-Берунийларнинг ҳаётлари ва ижодларидан намуналар.
42. Муҳаддисларнинг ҳаёти ва ижоди. Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди.
43. Ал-Мутанаббий ҳаёти ва ижоди.
44. Ўрта асрдаги машҳур адибларнинг ҳаёти ва ижоди. Маҳмуд Таймур, Тоҳа Хусайннинг ҳаёти ва ижоди.
45. Янги араб адабиёти вакиллариининг ҳаёти ва уларнинг ижодларидан намуналар. Бу қисмда бадиий таржима мавзуларидан намуналаргина берилиб, қолган мавзулар кутубхонамизга келтириладиган янги бадиий асарлардан олинади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий машғулотлар орқали бойитадилар. Шунингдек тарқатма материаллардан фойдаланиш илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмалар куроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Таълим йўналишининг ўқув режасига кўра мазкур фан бўйича лаборатория ишлари назарда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Талабалар тилшунослик бўйича курс иши ёзадилар. Бундан мақсад талабаларнинг араб тили бўйича олган билимларини умумласосий шарқ тилиириш, маълум бир асарда у ёки бу грамматик категорияларнинг қай даражада ўз ифодасини топгани ҳақида илмий мулоҳаза қилиб, фикрини баён этиш. Мавзулар мисол учун қуйидагича бўлади:

М.А.Абдулвалининг «Соғинч» ҳикоясида соннинг ифодаланиши.

Н.Маҳфузнинг «Қалампир» ҳикоясида аниқлик ва ноаниқлик категорияси қиёсий тахлили.

Маҳмуд Таймурнинг «Қаҳрамон» ҳикоясида қўлланилган изоҳловчи турлари.

Нагиб Маҳфузнинг «Биринчи апрель» ҳикоясида замон категорияси нинг қўлланиши.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Талаба мустақил ишининг асосий вазифалари янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзласосий шарқ тилини ўзлаштириш, керакли маълумотларни излаб топиш, ахборот манбаълари ва интернет тармоғидан мақсадли фойдаланишдир.

Талаффуз. Магнит тасмаларига ёзилган ўқув матнларини эшитиш ва такрорлаш. Ўтилган матнларни ўқиб, магнит тасмасига ёзиш.

Эшитиб тушуниш. Магнит тасмасига ўртача тезликда ўқиб ёзилган, нотаниш сўзлари 15% дан ошмайдиган араб тилидаги матнларни эшитиш ва мазмунини она тилида айтиб бериш. Тасмага туширилган матнларни эшитиб, қоғозга тушириш. Араб мамлакатлари радио ва телевиденияси орқали берилган ахборотларни эшитиб, мазмунини она тилида ёзиш

Эшитиб таржима қилиш. Араб тилидаги оригинал радио ва телевизион дастурларни жумлама-жумла эшитиб, она тилига таржима қилиш. Ўзбек тилидаги радио ва телевизион дастурларни жумлама-жумла эшитиб, араб тилига таржима қилиш. Араб тилидаги ахборотларни эшитиб шу онда (синхрон) она тилига таржима қилиш. Ўзбек тилидаги ахборотларни эшитиб, шу онда (синхрон) араб тилига таржима қилиш.

Компьютердан фойдаланиш. Ўзбекча, арабча матнларни компьютерга киритиш. Ўзбекча, арабча матнларни таҳрир қилиш (таржимани тузатиш, қисқартириш, қўшиш ва ҳ.к.). Матнни принтердан чиқариш учун унинг макетини тайёрлаш (шрифт тури, сатр оралари, узунлигини белгилаш ва ҳ.к.). Тайёр матнларни принтердан чиқариш.

Талабалар қуйида берилган мавзулар юзасидан оғзаки ва ёзма нутқ малакасига эга бўлишлари керак. Бунинг учун қуйидаги мавзуларни тавсия этиш мумкин.

1. Мен нима учун араб тилини севаман.
2. Менинг ўлкам мустақил Ўзбекистон.
3. Мен севган шаҳар.
4. Миср саёҳатлар ўлкаси.
5. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари.
6. Мен севган ёзувчи.

Дастурнинг информацион услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

- Араб тили грамматикасига оид бўлган маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон дидактик технологияларидан фойдаланиш.

- Мавзулар юзасидан ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, чархпалак, зинама-зина, блиц сўров каби янги технологиялардан фойдаланиш.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. М., 1985.
2. Борисов В.М. Русско-арабский словарь. М., 1992.
3. Иброҳимов Н.И., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. Т., 1997. И-жилд.
4. Иброҳимов Н.И., Юсупов М. «Араб тили грамматикаси». Т., 2004. ИИ-жилд.
5. Ковалёв А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. М., 2000.
6. Кузьмин С.А. Учебник арабского языка. М., 2001.
7. Ковтонюк В.В. Арабский язык. Пособие по речевой практике. М., 2002.
8. Лебедев В.Г. Чурева Л.С. Практический курс арабского литературного языка. И-ИИ части. М., 2005.
9. Талабов Э.Т. Араб тили дарслиги. Т., 1994.
10. Халидов Б.З. Учебник арабского языка. Т., 1997.
11. Шагаль В.Э. Учебник арабского языка. М., 1983.

Қўшимча адабиётлар

1. Ашихмина Н.П., Фатеева И.Г., Джамалова С.В. Сборник контрольных работ и тестовых заданий по арабскому языку для студентов И-ИИ курсов ТашГИВ. Т., 2002.
2. Ашихмина Н.П., Алимджанова З.Н. Аль Бируни –просветитель Востока ТашГИВ. Т., 2003.
3. Габучан Г.М., Сухина Т.И., Фомичёв В.Д. Лексический минимум для начального этапа изучения арабского языка. Под редакцией А.В. Германовича. 1997.
4. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М., 2001.
5. Иброҳимов Б. Ўзбекча-арабча сўзлашгич. Т., 1994.
6. Иброҳимов Н., Хасанов Б., Мусаев О., Иброҳимов Б. Ўзбекча –арабча луғат قاموس اوزبكي عربي. Т., 2000.
7. Лебедев В.В., Бочкарев Г.И. Читаем арабские тексты. Учебное пособие в пяти частях. М., 2002.
8. Мусаев.О. Араб тили асосий қоидалари тизими. ТошДШИ. Т., 2000.
9. Носирова М.А. Ўрта аср араб нахвидан намуналар ТошДШИ. Т., 2004.
10. Носирова М.А. Маҳмуд Замахшарийнинг Ал-Унмузаж фи-н-нахв рисоласи ТошДШИ. Т., 2005.
11. Орифхўжаев Н.М. Араб тили дарсларида ўқув ўйинларини татбиқ этиш бўйича тавсия ва намуналар. ТошДШИ. Т., 2004.
12. Солих Аҳмад Баҳши نصوص مختارة ТошДШИ. Т., 2002.
13. Талабов Э. Арабча -ўзбекча-русча сўзлашгич. Т., 1994.
14. Усмонова Н.Х. Араб тилидан ўқув қўлланма (3-курслар учун) ТошДШИ. Т., 2002.
15. Фролова О.Б. Мы говорим по-арабски. М., 1972.
16. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. М., 1985.
17. Акбарова М.Х., Ашихмина Н.П., Тошмухамедова Г.М. Образцы новоарабской литературы. ТашГУ. 1988.
18. Ибрагимов Н.И. Хрестоматия арабских классических текстов. ТашГУ. 1985.
19. Ибрагимов Н.И. Ибн Батута и его путешествия по средней Азии. 1988.
20. Ташкузиева М.К. Хрестоматия арабской классической поэзии. 1985.
21. Фатеева И.Г. , Шокирова З. Араб матбуот тили устида ишлаш. Т., 2004.
22. Шокиров Р.А. Мухтаров Т.А. Полит перевод. 1982.
23. Қодиров Т.Ш ва Қодирова М.Т. “Арабча- ўзбекча-русча тематик луғат. ТошДШИ. Т. 2006.
24. Қодиров Т.Ш, Мадинабону ва Мухлисабону Қодировалар. Араб адабий тилининг фонетикаси (ўзбек ва рус тилларида). ТошДШИ. Т. 2009.

25. مصر. "ملخص قواعد اللغة العربية" فؤاد نعمة
26. عباس حسن - النحو الوافي
27. محمد فاخر - توضيح النحو
28. 1964. النحو الواضح في قواعد اللغة العربية لدارس المرحلة الاولى، دار المعارف بمصر